

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Риштон тумани

2023 йил 05 сентябрь

4-1505-2301/1704-сонли иш

Риштон туманлараро иқтисодий судининг судьяси У.Х.Эргашев, даъвогар

корхонасидан 1 595 824 сўм асосий қарз ва суд харажатларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни, Риштон туманлараро иқтисодий суди биносида соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

корхонаси(бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 1 595 824 сўм асосий қарз ва суд харажатларини ундиришни сўраган.

Даъво аризасининг кўчирма нусхаси даъвогар томонидан жавобгарга почта орқали юборилган.

Жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр қонунда белгиланган ўн беш кунлик муддатда судга тақдим этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнларда – ИПК деб юритилади)нинг 203⁴-моддасининг саккизинчи қисмига кўра, суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, ижарага берувчи - даъвогар ва ижарага олувчи - жавобгар ўртасида дастлаб 2021 йил 23 апрелда 395-сонли кейин 2022 йил 05 январь куни 345-сонли “Ер участкасини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича” шартномалари ва 2022 йил 05 январь куни 345-сонли шартномага 2023 йил 04 январь куни 345/1-сонли қўшимча келишув тузилган.

Мазкур шартномага кўра, даъвогар жавобгарга Фарғона вилояти, Риштон тумани, “Навбахор” КСЗдаги 11-лотда жойлашган умумий 1015,0 кв.м бўлган ер участкасини ижарага берган.

Шартноманинг 1.3-бандига кўра, бир ойлик ижара тўлови қўшилган қиймат солиғи билан бирга 180242,9 сўмни ташкил қилади ва 2023 йил январь ойидан қўшимча келишувнинг 3-бандига кўра, бир ойлик ижара тўлови



кўшилган қиймат солиғи билан бирга 211019 сўмни ташкил қилади. Ижара объекти ижарага олувчига топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали топширилган.

Шартнома бўйича ижара тўлови ўз вақтида тўланмаганлиги, почта алоқа хизмати орқали юборилган талабномага жавобгар жавоб бермаганлиги ва қарздорликни бартараф этиш ҳақидаги талаб бажарилмаганлиги учун даъвогар судга даъво аризасини киритган.

Жавобгарнинг 2023 йил 15 август ҳолатига ижарадан бўлган қопланмаган 1 595 824 сўм қарздорлиги мавжуд бўлган.

Шунга кўра, даъвогарнинг жавобгарга йўллаган талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 234-моддасига кўра, мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс бошқа шахс фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 544-моддаси биринчи қисмига кўра, ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб туриши шарт.

ФКнинг 554-моддаси иккинчи қисмига кўра, агар ижарага олувчи ижарага олган мол-мулкни қайтармаса ёки кечиктириб қайтарса, ижарага берувчи кечиктирилган барча вақт давомида мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли. Бу ҳақ ижарага берувчи кўрган зарарни қопламаган тақдирда зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

ФКнинг 357-моддаси биринчи қисмига кўра, шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга кириши ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади деб белгиланган.

Юқорида қайд этилганларга кўра, даъвогарнинг жавобгар ҳисобидан 1 595 824 сўм асосий қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъво талаби асосли ҳисобланади.

Шу сабабли суд жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 1 595 824 сўм асосий қарздорликни ундиришни лозим топади.

Шунингдек, суд ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд харажатларини тақсимлаш масаласини муҳокама қилиб, даъвони қаноатлантирилганлигини эътиборга олиб, ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ давлат божи ва почта харажатини жавобгар ҳисобидан ундиришни лозим топди.



Зеро, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмида "Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади" деб белгиланган.

Юқоридагиларга кўра суд, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 1 595 824 сўм асосий қарз ва 330 000 сўм давлат божи ҳамда 33 000 сўм почта харажати ундиришни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8,234, 236, 544, 554-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 203³, 203⁴-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилсин.

Жавобгар

1 595 824 сўм асосий қарз ва 330 000 сўм давлат божи ҳамда 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида тарафлар шу суд орқали Фарғона вилоят судининг иқтисодий судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга ҳақлидир.

Судья

У.Х.Эргашев

